

# **30 одимда фарзанд тарбияси**

## **15 ва 16 - одимлар**

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبکي ]

*Солим Солих Аҳмад ибн Мозий*

**Таржимон:** *Абду Абдуллоҳ Шоший*

2015 - 1436

**IslamHouse**.com

ثلاثون خطوة عملية ل التربية الأبناء

على العمل لهذا الدين

الخطوة «15،16»

« باللغة الأوزبكية »

سالم صالح أحمد بن ماضي

مترجم: أبو عبد الله الشاشي

2015 - 1436

IslamHouse.com

## **Ўн бешинчи одим**

### **Фарзандингизни динни ҳимоя қиладиган қилиб етиштиринг!**

Ота-оналар фарзандларига бу ДИННИНГ жонкуяри, ҳимоячиси бўлишларини ўргатишлари даркор. Зеро бу, умматимиз салафи солиҳлари қўллаган манҳаж-услубдир.

### **Фарзандларимизнинг дилларида динни ҳимоя қилиш руҳини пайдо қиладиган амалий одимлар:**

- 1- Ёш саҳоба ва тобеинларнинг бу ДИН учун не қадар жонкуяр бўлганликлари ҳақидаги намуна ва қиссаларни айтиб бериш;
- 2- Фарзандингизга қўйиб беринг, Ислом ва мусулмонларнинг душманлари унинг ёшидаги мусулмон болаларни нималар қилаётганларини кўрсинглар. Масалан, бугунги кунда Фаластинда (шунингдек, Сурияд) содир бўлаётган воқеаларни кўришсин;

### 3- Шижаатлантириш ва рафбатлантириш.

**Фарзандларимизнинг дилларида  
диннинг жонкуяри, ҳимоячиси  
бўлишнинг аҳамиятига далолат  
қилувчи қисса ва амалий мисол:**

1. Абдурраҳмон ибн Авф разияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

“Бадр жанги қуни сафда турар эканман, қарасам, ўнг ва сўл тарафимда ансорлардан бўлган ёши кичик икки бола турган экан. Ўшанда мен кучли икки кишининг орасида бўлсан қанийди, дея орзу қилдим. Бир пайт улардан бири мени туртиб, “Хой амаки, Абу Жаҳлни танийсизми?”, деди. Мен: “Танийман жиян, уни нима қиласан?”, десам, “Эшитишимча, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақорат қилган экан. Жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, агар уни кўрсам, иккимиздан биттамиз ўлмагунча уни тинч қўймайман!” деди”.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ибн Касир “Ал-Бидоя ван-нихоя” (3/288). Қиссанинг давоми олдинги ўн биринчи одимда айтиб ўтилган эди.

Бу қиссадаги ёш йигитчанинг “Эшитишимча, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақорат қилган экан”, деган сўзи мавзуумизга мисолдир.

## 2. Баҳрайнлик болалар:

Ривоят қилинишича, баҳрайнлик бир тўп болалар учи эгри таёқларини олиб ўйнагани чиқдилар. Ўйингоҳ яқинида Баҳрайннинг Епископи ўтиради. Бир палла ўйин тўпи бориб епископнинг кўксига тегди. Шунда у тўпни олиб қўйди ва болалар тўпни сўрасалар ҳам бермади.

Кейин болалардан бири унга: “Муҳаммадни пайғамбар қилиб жўнатган Зот ҳаққи, тўпимизни қайтариб бер”, деди. Епископ лаънати тўпни бермагани етмагандай, Расулуллоҳни сўкди ҳам. Шунда болалар таёқлари билан епископни ура кетдилар, ҳатто уни ўлдириб қўйдилар.

Бу воқеа Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анхуга кўтарилди. Худо ҳаққи, Умар болаларнинг ўша епископни уриб ўлдирганига биронта жойнинг фатҳ бўлгани ёки ўлжанинг қўлга кирганига хурсанд бўлмагани қадар хурсанд бўлиб, шундай деди: “Ёш

болалар Пайғамбарлари сўқилганда ғазабланиб, (ўч олиб) зафар қучган эканлар, мана энди Ислом азиз-кудратли бўлди”.<sup>1</sup>



---

<sup>1</sup> Мұхаммад Нур “Манҳажу ат-тарбиятин-набавийя” (94).

## **Ўн олтинчи одим**

### **Маҳорат ҳосил қилишга мойиллик**

Болажонлар илк болалик даврларида маҳорат, иқтидор ҳосил қилишга интилувчан бўлишлари билан ажралиб турадилар. Шундай экан, бундан фойдаланишимиз ва уларга нутқ сўзлаш (хитоб қилиш), ёзиш-чизиш каби келажакда бу уммат учун фойдаси тегадиган бир қатор маҳоратларни эгаллашларида кўмак беришимиз керак.

Ота-оналар фарзандлари учун ҳафтада бир кунни ажратиб, ўша маҳоратларга (нутқ-хитоб қилиш, ёзиш-чизиш ва бошқаларга) қизиқтириб, ўргатувчи бир дастур ташкил қилиши ва уларни бажарганлари учун фарзандларига мукофотлар бериши ҳеч қийин иш эмас.

